# Ўртоқ К. У. ЧЕРНЕНКО нутқи

(Боши биринчи бетда).

Заводда кадр ишчи деган ёрқин ва аниқ тушунчани эслатмай ўтиб бўлмайди. Виждонан айтганда, баъзи жойларда бу тушунча унутиб қўйилмоқда. Ҳолбуки, кадр ишчи деганда кўз ўнгимизда ҳақиқий меҳнаткаш сиймоси намоён бўлади. Ҳаёт тажрибасини орттирган оқил мастер, корхонанинг ватанпарвари, ёш ўринбосарларнинг мураббийси, тўғри сўзли, принципиал инсон кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Кадр ишчилар, ҳар қандай ишлаб чиқаришнинг ўзагигина эмас, ишчилар синфимизнинг ифтихори ҳамдир. Уларни эъзозлаш, уларга таяниш керак. Моҳирона меҳнатнинг обрўсини умрбод яшайдиган заргарлик иши деб аталадиган сифатли ишнинг обрўсини кўтариш лозим.

1919 йилда Москвада — Москва Сортировочная депосининг большевик ишчилари умумхалқ саодати йўлида зарбдор, беғараз меҳнат қилиш намунасини кўрсатдилар. Олтмиш беш йил ўтгач, бу галги Бутуниттифоқ Коммунистик шанбалигида 157 миллиондан ортиқ совет кишиси қатнашди. Турмушимиздаги коллективчилик принципларини қарор топтиришнинг миқёси ва кўлами ҳозир мана шундай.

Москваликлар бу галги шанбаликда алоҳида баланд кайфият билан, стахановчасига ишлаганликларини Виктор Васильевич Гришин менга айтиб берди. Ҳамма жойда ҳам шундай бўлди. Совет кишилари партиянинг ҳар ким ўз ишини ватанпарварлик бурчини бажариш деб билсин, деган даъватини жон-дилдан қабул этдилар.

Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси ва ҳукумат номидан чин кўнгилдан қисқа қилиб: — Раҳмат, ўртоқлар!

Сизларнинг коллективингизга ҳам, барча меҳнаткашларга ҳам раҳмат деб айтмоқчиман. **(Давомли қарсаклар).**

Шу залда ветеранларнинг ёнида кўпгина ёшларни кўриб турибман. Улар бу ерга яқиндагина ўзининг бир асрлик юбилейини нишонлаган «Серп и Молот» заводининг сўнмас пролетар навқиронлиги нафасини олиб келдилар. Завод раҳбарлари менга сизларда ишловчиларнинг қарийб учдан бир қисми ёшлар эканини айтишди. Кейинги йилларда заводда ишчи ёшларнинг кўпайганлиги шонли фактдир.

Бу нимадан дарак беради! Реконструкциялаш ва модернизациялаш натижасида корхонангиздаги меҳнат ёшлар учун анча жозибадор бўлиб қолди, бир қарашда фақат техникавий иш бўлиб кўринган реконструкциялаш шу тариқа муҳим социал аҳамият касб этмоқда.

Шу фурсатдан фойдаланиб, қуйидагиларни таъкидлаб ўтмоқчиман: ҳозир биз мактаб ислоҳотини амалга оширишга киришаяпмиз. Бу ишнинг муваффақиятли рўёбга чиқарилиши ишлаб чиқариш коллективларининг манфаатдорлик билан қатнашишига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. «Мактаб — корхона» ҳамдўстлигини мустаҳкамлашга боғлиқ бўлади. Ўспиринларнинг яхши ташкил этилган меҳнати, ишлаб чиқаришдаги аниқ маром ва тартиб, ишчиларнинг аҳиллиги, коллективизми руҳи ёшларга ҳаёт фанини амалда ўргатиши керак. Касб танлашда ва уни ўзлаштиришда, юксак гражданлик фазилатларини шакллантиришда уларга ёрдам бериши лозим.

Меҳнат тўғрисидаги гап-сўзлар эмас, балки айни меҳнатнинг ўзи, Ватан бахт-саодати йўлидаги меҳнат инсон сиёсий онглилигининг, энг синалган мезонидир.

Ёшлар улар билан фақат панд-насиҳат тилида гаплашишларини ёқтирмаслигини биз ҳаммамиз биламиз. Биз ҳам ёшлигимизда ўгит ва насиҳатларни унча хуш кўрмасдик. Ишонч ва топширилган иш учун юксак масъулият инсонни ҳаммадан кўра яхшироқ тарбиялайди.

Саноатнинг кўпгина тажрибали раҳбарлари билан танишганимгда улар даҳшатли уруш даврида ёш болалигидан станок ёнида туриб ишлаганлигини, ўн олти ёшида бригадир бўлганлигини, йигирма беш ёшга тўлар-тўлмас эса цех учун жавобгар бўлганлигини билиб оласан киши. Бундай мактабнинг ўрнини ҳеч нарса боса олмайди.

Меҳнат мактаби, ҳаёт мактаби, омма ўртасида сиёсий иш олиб бориш мактаби — энг ишончли мактабдир. **(Қарсаклар).**

Ленин большевиклар партиясини келажак партияси деб атаганида буни партия сафларига ёш, серғайрат кучларнинг доимо келиб қўшилиши билан ҳам боғлаган эди. Бугунги кунда партияга қабул қилинаётган кишилар умумий сонининг қарийб тўртдан уч қисми комсомолдан ўтмоқда.

Булар — муносиб кишилардир. Комсомол партиянинг ишончли резерви ва унинг жанговар ёрдамчиси. Партия ёш ленинчилар союзига масъулиятли ишларни доимо ишониб топширмоқда. У комсомолга умид боғлаш мумкинлигини ҳам билади.

Ўртоқлар! Биз 70-йиллар охири ва 80-йилларнинг бошларида экономикани ривожлантиришда дуч келган мураккабликлар тўғрисида илгари гапириб ўтган эдим. Марказий Комитет, партиямиз, бутун халқ ана шу мураккабликларни батамом бартараф этиш ва янги марраларга чиқиб олиш устида ишламоқдалар. Бунинг учун юқори унумли меҳнат, ишлаб чиқаришни ривожлантиришдан ҳар бир кишининг хўжайинларга хос манфаатдор бўлиши керак. Фақат шу асосдагина халқ фаровонлигини юксалтириш мумкин.

Меҳнаткашлар кенг оммасининг турмушини изчиллик билан яхшилаш — коммунистик партиянинг бош йўли бўлиб, буни ҳеч нарса бўшаштира олмайди. **(Қарсаклар).**

70-йилларнинг бошларидан буёнгина аҳоли жон бошига реал даромадлар бир ярим баравардан зиёд ошди. 1983 йилда халқ хўжалигидаги ўртача ойлик иш ҳақи 182 сўмни ташкил этди. Юқори малакали ишчиларнинг иш ҳақи бундан анча кўпроқдир. Улар ойига ўрта ҳисобда 250 — 300 сўмдан ва бундан ҳам кўпроқ маош олмоқдалар.

Эндиликда мамлакатимизда ҳар тўрт йилда бутун урушдан олдинги даврда қурилганига қараганда кўпроқ уй-жой қурилмоқда. Ҳар беш йилликда 50 миллиондан кўпроқ кишининг уй-жой шароитлари яхшиланмоқда.

Аҳоли учун моллар ишлаб чиқариш кўпаймоқда, хизмат соҳалари кенгаймоқда.

Қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг даромадлари ошмоқда. Қишлоқда қулай ва кўркам уйлар, мактаблар, медицина муассасалари клублар кўпроқ барпо этилмоқда, замонавий йўллар қурилмоқда.

Совет кишилари Озиқ-овқат программаси ўз самараларини бера бошлаганлигини мамнуният билан қайд этмоқдалар. Уни бажариш учун ҳам асло ҳамма ишлар қилинди, деб бўлмайди. Очиғини айтганда бир қанча районларда чорвачилик маҳсулотлари савдо-сотиғида ҳали узилишлар мавжуд.

Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш, халқ истеъмол моллари сифатини ошириш соҳасида ҳали кўп ишлар қилиниши керак.

Социал масалаларни ҳал этиш учун давлат ажратаётган катта-катта маблағлардан ташқари кўпгина корхоналар ва бирлашмалар ҳозирнинг ўзидаёқ талайгина иқтисодий рағбатлантириш фондларига эга эканликларини биласизлар. Ана шу фондлар 50 миллиард сўмликдан ошиб кетган. Халқнинг бу маблағларидан тежаб-тергаб фойдаланиш, меҳнат коллективларининг биринчи навбатдаги эҳтиёжларини устун қўйиш керак.

Яширишнинг ҳожати йўқ, бошқача ҳам иш тутишадику ахир. Баъзида иккинчи даражали ишларга кўп пул сарфланмоқда, ёки шошмаса ҳам бўладиган ишларга ажратиб берилмоқда.

Жойлардаги баъзи раҳбарлар гигантчилик кайфиятларига берилиб кетишган деса бўлади. Маданият саройи барпо этишса албатта мармар, биллур билан, ўймакорлик нақшлари билан безатилади. Бадиий панно ўрнатиладиган бўлса шундай каттасини ўрнатишадики, ҳатто осмон ҳам кўринмай қолади деса бўлади. Менимча бу — бизни кўриб қўй, қабилида гўзалликни савдогарларча тасаввур этишдан бўлса керак. **(Залда жонланиш).**

Ҳамма нарсанинг меъёрида бўлгани яхши. Шуни ҳамиша ёдда тутиш керакки, болалар боғчаси, келин-куёвлар учун уй-жой, цехдаги яхши ошхона, қишлоқдаги клуб—турмуш тарзимизнинг фойдасига қилинадиган энг яхши кўргазмали агитациядир.

Ўртоқлар! Мамлакатнинг ҳамма жойида бўлгани каби сизларнинг заводингизда ҳам энг мураккаб, масъулиятли ишга коммунистлар биринчи бўлиб киришадилар. Айни шу нарса уларнинг кенг омма ўртасидаги обрў-эътиборини мустаҳкамлайди.

Коммунистик партия бутун халқнинг авангардидир. Аммо у ўзининг синфий моҳиятига, программавий мақсадларига, идеологияси ва сиёсатига кўра, КПСС да ишчилар ўйнаётган ролга кўра большевизмнинг шонли анъаналарига содиқ ишчилар синфи партияси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. **(Давомли қарсаклар).**

Бу ҳол партия фаолиятининг революцион давомийлигини, ички ва ташқи сиёсатининг қатъий қарор топган синфий характерини таъминламоқда. Бу ҳол биз ривожланган социализмни такомиллаштириш деб атаётган ғоят катта иш муваффақиятининг гарантиясидир.

Партия социалистик қурилиш йиллари мобайнида ажойиб раҳбар кадрларни, омманинг чинакам йўлбошчиларини тарбиялади. Уларнинг иши мураккаб, масъулияти ғоят каттадир. Кишилар ҳам бундай ўртоқлар тўғрисида зўр ҳурмат билан гапирмоқдалар.

Лекин баъзида айрим ходимларнинг ишлаб чиқаришда ва турмушда нотўғри хатти-ҳаракат қилган ҳоллар тўғрисида гап борганда ҳаққоний ғазабланишни ҳам эшитиш мумкин. Бундай фактларга тоқат қилиб бўлмайди. Марказий Комитет қўл учида ишлаётганларга, қонунни, КПСС Уставини бузаётганларга нисбатан қаттиқ талабчанлик қилиб келди ва бундан буён ҳам шундай талабчанлик қилаберади. Биз КПСС Марказий Комитети февраль Пленумида бу ҳақида қатъий қилиб айтган эдик. Яна бир марта шуни такрорлаб ўтмоқчиманки, бизнинг талабчанлигимиз ва принципиаллигимиз ҳеч қачон — бугун ҳам, эртага ҳам, келгусида ҳам сусайтирилмайди. **(Қарсаклар).**

Вальцовкачи Александр Павлович Моисеевнинг фикрига қўшиламан. У ўз нутқида социал адолатнинг ҳар бир граждан жамиятга нисбатан ўз бурчларини қатъиян бажариши каби муҳим қиррасини жуда рўй-рост айтиб ўтди. Сиз ҳақсиз, Александр Павлович. Шундай кишилар борки, улар ҳамма нарсани — тегишлисини ҳам, тегишли бўлмаганини ҳам олишни истайдилар. Кўпинча оладилар ҳам. Жамият олдидаги ўз бурчларини эса унутиб қўядилар. Шу боисдан мен Москва партия ташкилоти «Иззат — ҳурмат ва шон-шуҳрат — меҳнатга яраша!» деган яхши шиор остида олиб бораётган кўп томонлама ишни тўла-тўкис қўллаб қувватлайман. **(Давомли қарсаклар).**

Ўртоқлар, сизлар кўпгина ҳаётий проблемаларни тилга олиб ўтдингиз. Жумладан, уй-жой программасини амалга ошириш истиқболлари билан қизиқдингиз.

Сизларга маълум қиламанки, Марказий Комитет Сиёсий бюроси шу беш йилликда уй-жой қурилиши тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Госпланга, министрликлар ва идораларга уй-жойларни фойдаланишга топшириш беш йиллик топшириғи (топшириқ эса жуда юқоридир) сўзсиз тўла ва ошириб бажарилиши учун барча зарур маблағ ва ресурсларни ажратиб бериш топширилди.

Тўғри, квартира олган кишилардан ҳам хатлар келиб туради, аммо бундай квартиралар ўлда-жўлда, чала қурилган квартиралардир. Афсуски, бундай ҳоллар учраб туради, шундай квартираларга кўчиб кирган кишиларнинг ҳуноби ошганлигини тушуниш мумкин.

Уй-жойлар, моллар, хизматларнинг сифати масалалари —иқтисодий, хўжалик масалаларигина бўлиб қолмай, шу билан бирга социал масалалар ҳамдир. Бу масалалар миллионлаб кишиларнинг манфаатларига бевосита дахлдор. Юксак сифат кўпгина омилларга боғлиқ албатта. Шундай бўлса ҳам ходимнинг ишга муносабати, айтишим мумкинки, ишчи виждони олдинги ўринларнинг бирида туради.

Ишчилар, ўқитувчилар, врачлар учун, ўзинг учун, ниҳоят ўз фарзандларинг учун квартираларни ёмон қуриш мумкинми ахир?

Биз меҳнат қаҳрамонларини ҳақли равишда шарафлаймиз, уларни бутун мамлакат билади. Лекин хўжасизликнинг ҳам ўз айбдорлари борку, ахир. Бракчининг ҳам ким эканлигини кўрсатиб қўядиган пайт келди. Ким ёмон маҳсулот ишлаб чиқараётганлиги маълум бўлиши керак. Масъулиятсизлик учун эса қаттиқ жазолаш зарур. **(Қарсаклар).**

Ўртоқлар! Тузумимизнинг қудрати омманинг онглилиги билан кўп карра кучаяди. Партия КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленумида узоқ муддатли аҳамиятга эга бўлган идеология фаолиятининг кенг концепциясини олға сурди. Пленум қарорлари ғоявий-тарбиявий, оммавий-сиёсий ишларни барча йўналишларда такомиллаштиришга қудратли омил бахш этди.

Идеология соҳасидаги куч-ғайратлар марказини меҳнат коллективига, бошланғич партия ташкилотига кўчириш асосий вазифадир. Бутун фаолият баъзида идеология идоралари ўзининг доирасида чекланиб қолаётган қоғозбозлик ва кўп соатлар давом этадиган мажлисбозликлар қилишдан иборат ҳали ҳам мавжуд инерция кучидан батамом воз кечиш керак.

Бошқа соҳаларда бўлгани каби идеология соҳасида ҳам ишчанлик, уюшқоқлик, ижрони аниқ контроллик қилиш ва текшириш, амалий натижаларга эриша билиш маҳорати зарур.

Ўртоқлар, бугун сўзланган нутқларнинг ҳаммаси бунёдкорлик тўғрисидаги ғамхўрлик руҳи билан суғорилганлиги қонуниятли бир ҳолдир. Ишчилар синфи ўзининг табиатига кўра бунёдкор синфдир. Сизларнинг сўзларингиз совет халқининг мустаҳкам тинчликка бўлган иродасини ифода этади.

Сизлар халқаро вазиятга бераётган баҳога қўшилмасдан бўлмайди. Дарҳақиқат, СССРга ва бошқа социализм мамлакатларига қарши «салб юриши» деб аталмиш юриш ташкилотчилари бизни тиз чўктиришни истардилар. Ҳеч қачон бундай бўлмайди! **(Гулдурос қарсаклар).**

Биз не-не машаққатлар билан революциямизни амалга оширдик, уни ҳимоя қилдик, социализм барпо этдик — ҳозир эса мамлакатни ривожлантириш, халқ турмушини яхшилашдан иборат улуғвор планларни турмушга татбиқ этмоқдамиз. Биз ўзимизнинг дунёқарашимизни, ижтимоий тузумимизни ҳеч кимга тиқиштираётганимиз йўқ. Бизга ўзгаларнинг ерлари ҳам керак эмас. Совет Иттифоқи фақат бир йўлни — тинч-тотув яшаш йўлини, ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорлик йўлини чин қалбдан таклиф этмоқда.

Айни вақтда ҳамма нарса ҳам бизнинг эзгу ниятимизга боғлиқ эмаслиги тушунарлидир. Сиёсатда эса биз сўзларга эмас, балки фақат амалий ишларгагина ишонамиз. Қурол-яроғларни қисқартиришми — демак ҳақиқатан ҳам ўзаро қисқартириш керак. Ядро қуролини йўқотиш керакми — демак ҳақиқатан ҳам ҳар иккала томоннинг шундай қуролини йўқотиш керак. АҚШ, НАТО шундай қилган тақдирда биз ҳам шунга яраша иш тутган бўлур эдик.

Тинчликни сақлаб қолиш мумкинлигига совет кишиларининг ишончлари комил. Воқеаларнинг ривожини мухолифликдан кескинликни юмшатиш сари буриб юбориш мумкин. Тинчлик манфаатлари йўлида ҳалол ва конструктив ишлашни истаётган ҳукуматлар ҳамда ташкилотлар билан мулоқотга тайёрмиз, улар билан актив ҳамкорлик қилишга тайёрмиз.

Ҳозирча ҳарбий ва сиёсий кескинлик мавжуд экан, АҚШ ва НАТО давлатлари мамлакатимизга ракета — ядровий хавф солаётган экан кучлар нисбати империализм фойдасига ўзгармаслиги ва биз заифроқ бўлиб қолмаслигимиз учун хушёр бўлиб, ҳамиша сергак туриш керак.

Социалистик Ватан хавфсизлиги тўғрисидаги ғамхўрлигимиз соғлом фикрловчи ҳар бир кишига тушунарлидир. Ўтган уруш ҳар бир совет оиласига келтирган жудолик алами ҳеч қачон босилмайди. Мамлакатимиз ўз мустақиллиги учун, жаҳон цивилизациясини фашист вахшийлари асоратга солиши хавфидан қутқариб қолиш учун 20 миллион кишини қурбон берди.

Партия Марказий Комитети билан Совет ҳукумати ўзларининг халқ олдидаги ғоят буюк масъулиятини тушунадилар. 1941 йилнинг июни такрорланмайди. Ҳар қандай агрессор дарҳол интиқомга йўлиқади. Буни ҳамма — дўстларимиз ҳам, ғанимларимиз ҳам билиб қўйишсин. **(Гулдурос қарсаклар).**

Халқаро вазият кескинлашганлиги муносабати билан КПСС Марказий Комитетига кўплаб хатлар келиб турибди, уларнинг авторлари меҳнат ҳафтасини ўзайтиришни, мамлакат мудофаа фондини тузишни таклиф этмоқдалар.

Аввало шундай таклифлар билан мурожаат этган минглаб совет ватанпарварларига — уруш ва меҳнат ветеранларига, ёш ишчи ва колхозчиларга, коммунистларга, партиясизларга сидқидилдан миннатдорчилик билдирмоқчиман.

Шуни айтиш керакки, бизнинг иқтисодий потенциалимиз, мудофаа самарадорлигини ошираётган янги техника воситалари совет давлати билан унинг иттифоқчилари хавфсизлигини ана шу таклиф этилаётган тадбирларсиз ҳам пухта таъминлаш имконини беради.

Мамлакатни ривожлантириш ҳамда совет кишиларининг турмуш даражасини ошириш соҳасида белгиланган социал-иқтисодий программалар ҳам изчиллик билан рўёбга чиқарилаберади.

Ўртоқлар! Тез орада ленинчи партиямиз ўзининг XXVII съездига бевосита тайёргарлик кўриш даврига қадам қўяди. Ўзларингиз тушунасизки, олдинда кенг кўламли, ғоят хилма-хил ишлар турибди.

Биз сиёсий ва ташкилотчилик ишининг, хўжалик қурилишининг ишончли тажрибаси билан бойиганмиз, партия билан халқнинг метиндек бирлигига таянмоқдамиз. КПСС Марказий Комитети ўтказиб келаётган йўл ҳар бир коммунист иштирокида ҳар жиҳатдан пухта ўйланган тўғри йўлдир, дейиш мумкин. Барча совет кишилари партия сиёсатини амалий ишлари билан актив қўллаб қувватламоқдалар. Белгилаган вазифаларни ҳал этишимизнинг, ўртага қўйган мақсадларимизга эришишимизнинг гарови ҳам мана шундадир. **(Давомли қарсаклар).**

Пировардида ўзимга доир бир неча сўз айтиб ўтмоқчиман. Шодиёна кутиб олганлигингиз ва ошкора суҳбатлашганлигингиз учун сизларга ташаккур билдираман. Сизларнинг самимий табрикларингиз ва эзгу истакларингиз бардамлик, куч-ғайрат бағишлайди, муштарак ишимизнинг муваффақиятига бўлган ишончни мустаҳкамлайди.

Яна бир бор сидқидилдан раҳмат, азиз металлург ўртоқлар! Оғир меҳнатингизда сизларга янгидан-янги ютуқлар, ҳаётда жами эзгуликларни тилайман. Ҳар бирингиз учун сизларнинг яқин кишиларингиз учун Биринчи Май порлоқ ва қувончли бўлсин! **(Гулдурос давомли қарсаклар).** Ҳамма ўрнидан туради.

# Ўртоқ К. У. ЧЕРНЕНКОнинг

## МОСКВАДАГИ «СЕРП И МОЛОТ» МЕТАЛЛУРГИЯ ЗАВОДИНИНГ ИШЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

(Боши биринчи бетда).



Суратда: завод ишчилари билан учрашув пайти.



В. Мусаэльян ва Э. Песов фотоси.

Вальцовкачи А. П. Моисеев завод ёшлари номидан қуйидагиларни айтди: ёш металлурглар сизнинг, Константин Устинович, янги дунёни қуриш — янги дунё кишисини камол топтириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилиш демакдир, деган сўзларингизни қизғин маъқуллаб кутиб олдилар. Ёшлар буни ҳар бир йигит-қиз ўзида юксак ғоявий эътиқод, коммунизм ишига садоқатни тарбиялаш тўғрисидаги партиянинг накази деб биладилар. Бизлар намуна олиб ўргансак арзийдиган кишилар бор. Булар заводимизнинг тажрибали ишчилари — партия, меҳнат, Улуғ Ватан уруши ветеранларидир. Константин Устинович, Сизнинг ёрқин ҳаёт йўлингиз биз учун ўрнак бўлади.

Бизнинг жамиятимиз меҳнаткашлар жамияти, адолатли жамият. Агар рўй-рост гапирадиган бўлсак, шундай кишилар, жумладан ёшлар борки, улар нари-бери ишлаб, барча неъматлардан виждонан меҳнат қилувчи ходимлар сингари, ҳатто улардан кўпроқ баҳраманд бўлишни истайдилар. Меҳнат коллективи катта ҳуқуқларга эга ва ана шундай шахсларга нисбатан қаттиқ талабчанлик қилиш зарур. Шундай қилинганида адолатли бўлади.

Бизлар уй-жой проблемасини ҳал этиш учун мамлакатимизда қанчалик кўп иш қилинаётганлигини заводимиз мисолида кўриб турибмиз, деди ўртоқ Моисеев. Заводда ёшларнинг янги-янги оилалари вужудга келмоқда ва уларни яқин келгусида уй-жой қуриш соҳасидаги планлар қандай эканлиги қизиқтирмоқда.

У комсомоллар ва ёшлар кекса авлодларнинг революцион анъаналарини, уларнинг ғоят бой тажрибасини ўз муваффақиятлари билан муносиб даражада кўпайтиравередилар, деб ўртоқ К. У. Черненкога ваъда берди. Бизлар, деди вальцовкачи, ўзимизнинг ватанпарварлик бурчимизни яхши англаймиз ва ҳамиша севикли социалистик ватанни ҳимоя қилишга тайёрмиз. Жонажон Совет диёримизни Сиз, Константин Устинович, тахликали 30-йилларда, чегара заставаси партия ташкилотчиси сифатида қўриқлаганингиз сингари авайлаб — асраймиз.

Юз ёшли «Серп и Молот» заводимиз қанчалик яшараётганлигини, янги-янги замонавий корпуслар қад кўтараётганлигини кўриш мен, тажрибали металлург ишчи учун ғоят ёқимлидир, деди катта вальцовкачи А. В. Малишев. Яқинда яна бир цех — туника ва полосаларни иссиқ усулда прокатка қиладиган цехни қуришга киришдилар. Ана шу цех ишга туширилиши билан заводни реконструкция қилиш асосан тугалланади. Ўн иккинчи беш йилликда цех тўла ҳажмда маҳсулот бериши учун уни қуришни жадаллаштиришни истардик.

Мен сортли прокат цехининг «450» станида ўн беш йилдан бери ишлаб келаяпман. Станимиздаги механизм ва асбоб-ускуналар янги цехларда ўрнатилган замонавий машиналардан анча фарқ қилади, албатта. Лекин ишга ижодий, масъулият билан муносабатда бўлинган тақдирда эски ускуналарда ҳам кўп натижага эришиш мумкин.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Москва шаҳар партия комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин ўз нутқида москваликлар ўн биринчи беш йиллик топшириқларини қандай бажараётганликларини, Биринчи Май байрамини қандай ютуқлар билан кутиб олаётганликларини гапириб берди. Пойтахт меҳнаткашлари шу йил биринчи квартал планини ва социалистик мажбуриятларини бажардилар. В. В. Гришин меҳнат унумдорлигини пландан ташқари ошириш ва маҳсулот таннархини қўшимча равишда камайтириш тўғрисидаги партиянинг топшириғи муваффақиятли бажарилаётганлигини Константин Устинович Черненкога маълум қилди.

Ўртоқ В. В. Гришин «Серп и Молот» заводи металлурглари олдида турган бир қанча вазифаларга тўхталиб ўтди. Заводни реконструкциялаш ва техника билан қайта қуроллантиришни тугаллашга оид ишларни жадаллаштириш, мамлакат халқ хўжалиги учун зарур бўлган сифатли металл маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга эришиш муҳимдир, деди у. Завод партия ташкилоти мана шу вазифаларни амалга ошириш соҳасида коллективнинг ишларига бошчилик қилиши керак. У «Серп и Молот» заводининг коммунистлари, меҳнаткашлари Москванинг барча меҳнат аҳли сингари шу йил ва умуман беш йиллик планини тўла ва ошириб бажариш учун барча ишларни қиладилар, деб ишонч билдирди.

Ўртоқ В. В. Гришин Константин Устинович Черненкони, бу ерда ҳозир бўлган барча кишиларни меҳнаткашларнинг Халқаро бирдамлик байрами — 1 Май куни билан самимий табриклади ва ҳаммага ишда янги-янги муваффақиятлар тилади.

Шундан кейин узоқ давом этган қарсаклар билан кутиб олинган Константин Устинович Черненко нутқ сўзлади.

Ўртоқ К. У. Черненконинг нутқи зўр эътибор билан тингланди, бир неча бор давомли қарсаклар билан бўлиниб турди.

Металлурглар учрашувдан эсдалик сифатида ўртоқ К. У. Черненкога завод ёдгорлиги —корхонанинг 100 йиллиги шарафига чиқарилган юбилей медали ва нишонини топширдилар.

Ўртоқ К. У. Черненко цехларни бориб кўрди. Ишчилар Константин Устиновични қизғин қутладилар.

Янги сортли прокат цехи металлургия ишлаб чиқаришининг ҳозирги даражаси тўғрисида яққол тасаввур беради. Ярим километрдан олисга чўзилган цех ёп-ёруғ, кучли вентиляция установкалари ҳавони бир неча бор алмаштириб туради. Электрон ёрдамида бошқариладиган мукаммал автоматлар металлургларнинг оғир қўл меҳнатини ўз зиммасига олади.

Ишчилар ўртоқ К. У. Черненко билан суҳбатлашар эканлар, партия билан давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини тўла-тўкис қўллаб қувватлаётганликларини изҳор қилдилар, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, иқтисод ва тежамкорлик, интизомни мустаҳкамлаш йўллари тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини изҳор қилдилар. Улар ҳозирги мураккаб халқаро вазиятда москвалик металлурглар мамлакатнинг иқтисодий ва мудофаа потенциалини бутун чоралар билан мустаҳкамлашни ўзларининг бурчи, деб билаётганликлари ҳақида гапирдилар.

Шу корхонада чорак аср ишлаган катта оператор Г. Г. Вовк коллектив ҳузурига келганлиги учун Константин Устиновичга самимий миннатдорчилик изҳор қилди.

Суҳбатга қўшилган катта оператор Ю. Е. Фроленко касбдош ўртоқлари номидан гапириб, заводни реконструкциялаш топшириқлари муваффақиятли бажарилади, деб ваъда берди.

Ишчилар корхонани янгилаш билан бир вақтда кенг кўламдаги социал программа ҳам амалга оширилаётганлиги тўғрисида гапирдилар. Масалан, оператор В. Д. Тришкина шундай деди: Бизлар тўғримизда ғамхўрлик қилинаётганлигини доимо ҳис этиб турибмиз. Мен буни ишчи аёл ва она сифатида тасдиқлашим мумкин. Бизда ҳамма нарса: севимли иш ҳам, дам олиш учун имкониятлар ҳам муҳайё. Яқинда завод бизларга янги квартира берди. Турмуш ўртоғим ҳам айни шу цехда ишлайди.

Ишчилар ўртоқ К. У. Черненкони кириб келаётган Биринчи Май байрами билан самимий табрикладилар.

Константин Устинович ўзини ўраб олган металлургларга мурожаат қилиб шундай деди:

— Ўйлаб кўринг-а, ўртоқлар, — биз эга бўлган ҳамма нарсалар, мамлакатимизнинг барча бойликлари, — буларнинг ҳаммаси меҳнаткаш, моҳир қўллар билан, ишчилар синфи қўли билан меҳнаткаш инсон қўли билан яратилгандир.

Сизларга, сизларнинг цехингизга қараб туриб, фидокорона меҳнати, истеъдоди заминимизга хос бўлган ҳамма нарса мужассам этаётган: уйлар бунёд қилиб, ғалла етиштираётган, пўлат эритиб, кўприклар ва гидростанциялар қураётган ишчилар синфи учун қураётган совет кишиларимиз учун ифтихор туйғулари билан тўлиб тошасан киши. Бугун сизлар билан бўлиб ўтган учрашувлар ва суҳбатлар чоғида мен жаҳонда тенги йўқ ажойиб ишчилар синфимиз борлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилдим.

Сизларга раҳмат! Сизларга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ҳамда ижодий ва мамлакат учун ғоят зарур меҳнатингизда муваффақиятлар тилайман.

Ўртоқ К. У. Черненко сортли прокат цехида виставкани кўздан кечирди. Виставкага «Серп и Молот» заводи ишлаб чиқараётган маҳсулот намуналари қўйилган. Завод маркаси истеъмолчиларга ғоят манзур бўлмоқда. Экспозицияга корхонада қурилаётган махсус цех ишлаб чиқарадиган халқ истеъмол моллари ҳам киритилган.

Ўртоқ К. У. Черненконинг Москвадаги «Серп и Молот» металлургия заводи коллективи билан учрашуви партия ва халқнинг бузилмас бирлиги — совет кишиларининг КПСС Ленинчи Марказий Комитети теварагида мустаҳкам жипслашганлигининг ёрқин ифодаси бўлди, Советлар мамлакати меҳнаткашларининг ривожланган социализм жамиятини такомиллаштириш соҳасида партия режаларини амалга оширишга бўлган азму-қарорини ва иродасини намойиш қилди.

(ТАСС).

